


СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯСИ

А. АЪЗАМХУЖАЕВ,
лик фанлари доктори.

одидилган даврда КИСС насаба соювлари, коммунистик ёшлар союзи, кооперация каби жамоат ташкилотларининг ролини ошириш йўли билан социалистик демократияни янада кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда. Меҳнат-кашшарининг, Соцга жамоат уюшмалари, илмий, илмий-техника ва илмий-оқувтар жамиятлари, рацонализиаторлар ва ихтирочиллар ташкилотлари, адабиёт, санъат, журналистика ходимлари соювлари, маданий-оқувтар ва спорт жамиятлари ҳам янада ривожлана-берида.



Июль ойида ҳамма жойда якуловчи машғулотлар бошланади. Бошланғич сийёсий мактабларда и. марксизм-ленинчи асослари ма. табларига якуловчи машғулотларни «Коммунистик қурлиниш КПСС раҳбарлик ролини тобор кучайини» деган темада ўтказини қарор қилинди. Партия ташкилотларининг хоҳини қараб, инкичи якуловчи машғулот ўқу программасининг асосий болари дан бирига бағишлаб ўтказилди. (Ў.ТАГ.)

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ

ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК ҚУДРАТИ

(Боши биринчи бетда).

Қурилиш ишларининг катта миқёсини ҳисобга олиб, бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг коллективлари Тошкент қурилиш ташкилотлари учун пиландан ташқари 28 минг тонна цемент, 33 миллион дона шартли шифер плита, 2 минг тонна оҳак, 160 шартли километр асбоцемент труба, 5 минг тонна чуян ванналар, 30 мингта раковина тайёрлаб беришга аҳд қилди.

Областада гишт ишлаб чиқаришни кескин қўйиштириш таъминланади. 6-трест коллективи Янгийул 501 заводлари бошқармасида 50 миллион дона гишт чиқариш қувватига эга бўлган корхонани мўддатидан илгари ишга туширади. 160-қурилиш трести эса Чирчиқ заводлар бошқармасида 62 миллион дона гишт ишлаб чиқарадиган ва Яланғор заводлар бошқармасида 16 миллион дона гишт ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ишга туширади. «Алмалик-нефтьстрой» трести 50 миллион дона гишт тайёрлайдиган янги қувватларни ишга туширишни таъминлайди. 160-қурилиш трести Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялар қўлбанада 500 минг кубометр инерт материаллар қазиб чиқарадиган янги қувватларни шу йил 15 июнгача ишга туширади. 5-темирбетон буюмлари заводи ва «Алмалик-нефтьстрой» трести коллективлари йилга 20 минг кубометр йирик габаритли трубапар тайёрлайдиган янги цех қурилишини июнь ойида ташкил қилишга аҳд қилишди.

Олтинтопан қўлбанада ички ордонли коллектив пиландан ташқари кўп миқдорда мис ишлаб чиқаришга аҳд этди. «Тошкент-қабель» заводи меҳнатқашлари ана шу мисдан Тошкент шаҳрининг эҳтиёжлари учун қўшимча равишда 60 километр бронли кабель, 500 километр установка

кабели ва 200 километр электр симлари тайёрлаб беришди. Оқенгарон шахтёрлари, Бек-обод ва Олмалик металлургия, Чирчиқ химикари, «Ташавтомаш» заводи ва бошқа кўпгина корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари Тошкентга ердан фондига бир кўнлик иш ҳақларини бериш истагини билдирди. Бу ватанпарварлик ташаббуси бутун область бўйлаб қизгин қўллаб-қувватланди. Тошкентга ердан фондига ҳозирнинг ўзидаёқ 270 минг сўмдан ортиқ пул тушди. Уларнинг ҳаммаси коммунизм қурувчисининг эҳлоқ кодекси принциплари — кишичи-га дўст, ўртоқ ва биродар деган принцип обаластимиз меҳнатқашлари ҳаётига ҳам чуқур сингиб бораётганининг тасволидир.

Тошкент шаҳридан ташқари шаҳар атрофидаги районлар ҳам, айниқса Калинин ва Оржоникидзе районлари зилзиладан қисман зарар кўрдилар. Бу районларда ҳам анчагина уй-жой, мактаб, калхона, болалар муассасалари ва маъмурий бинолар шикастланди. Ҳозирги вақтда республика ташкилотларининг ердан фондига ана шу зарарларнинг туғилиш юзасидан зарур тадбирлар кўришмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш керакики, шаҳар атрофидаги қолхоз ва совхозларнинг меҳнатқашлари шу оғир кунларда дала ишлари-ни аниқлаш ва олдириб юбордилар. Улар Тошкентга Москва, Ленинград, Украина, Беларуссия ва бошқа республикалар, ўлкалар, областлардан қўллаб қурувчилар келгётганининг ҳисобга олиб, олий қимматли қўмакчиларни сабзавот, картошка ва полз экинлари маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш учун ҳозирдан зарур тадбирларни кўраётдилар. Калинин ва Оржоникидзе районларининг қолхоз ва совхозлари бу йил сабзавот етиштиришни ҳамда чорва маҳсулотлари топиришни ўтган йилгига

қараганда анча қўйиштиришди. Табиий офат юзасида келтирилган қийинчиликларга қарамай, барча саноат корхоналари, област халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳалари давлат план топиришларини ва ўз олдидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Бу тошкентликларнинг юксак онглигининг, ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги ва букилмас иродасидан далолат берди.

Бутун мамлакат кўрсатаётган улкан ердан фондига қийинчиликларини етга олишимизга қатъий ишонч туғдиришмоқда, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшмоқда. Ана шу ленинча дўстлигимиз, тарихда ҳеч бўлмаган ҳақоратимиз мадади билан Тошкентни тиклаш, уни Совет Иттифоқининг

энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айлантириш вазифасини муваффақият билан бажармади. Янги Тошкент ўзининг ажойиб ишлари билан Ўзбекистоннинг таърих ҳам гўзал пойтахти бўлади ва қардош халқлар абадий бўзилмас дўстлигининг ажойиб рамзига айланади.

Оталарча ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳўкуматига обаластимиз барча меҳнатқашлари номидан чин қалбимиздан раҳматлар айтмади. Улкан, беғараз биродарона ердан учун мамлакатимизнинг барча қардош халқларига чексиз аминдорчилиги, дўстона — савоқат ҳўшқаримизни изҳор этамиз. Тошкент шаҳри ва обаласт меҳнатқашлари бу янги меҳнат зафарларига эришиш билан жавоб берадилар.

МАГАЗИНЛАР ҲАТОР-ҲАТОР

Табиат келтирган офат шаҳримиздаги кўпгина саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари биноларини илдан чиқарди. Ҳозир қамқатлов кўча бўйларига, хўбонларда савдо ишлари йўлга қўйилди. Шунинг билан бирга гўшжўм кўчалар бўйига янги магазинлар қуриш ишлари ҳам жадал сўратлар билан олиб борилаётди. Москва ва Ленинград шаҳарларидан темир конструкциялардан асалган йўнма павильонлар пешма-пеш келиб турибди. Бу павильонлар Олег Кошовой номи хўбон атрофида, Навоий кўчаси бўйига ўрнатилаётди. Обаласт ижроия комитети биносидан тортиб то Комсомол майдонига 45 та павильонни монтаж қилиш қўзланган. Бу павильонларнинг ҳар бири беш-олти савдо ходимига мўлжалланган бўлиб жами 230 савдо ходими хўзматида бўлади. Павильонлар тула фойдаланишга топиришганда, катта шаҳар йрмаркаси ташкил этилади.

Шаҳримизда бундан ташқари «Болалар дўниси», сабзавот ва «Ўзлестройторг»га қарашли алоҳида бинокорлик материаллари магазинлари ҳам ташкил этилади. Олой бозорига ўрнатиладиган павильонлар яқин кунлар ичда харидорлар хўзмати топирилади.

Павильонлардан ташқари 250 дан ортиқ киоск ва 50 автотавла ҳозир кенг кўламда савдо хўзмати кўрсатмоқда. Палаткалар шаҳарчалари атрофида қўшимча точкалар ўрнатишмоқда. Тошкентликлар учун ер участкаси ажратиб бериладиган қишлоқ хўжалик артеллари территориясига ҳам савдо дўконлари қурилади. Бу точкалар озиқ-овқат, саноат моллари билан беамалот савдо қилвереди.

ЛАГЕРЛАР



ҚУЧОҒИДА

Киров номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнидан қачон ўтманг, болалар ўйини, уларнинг шўх қўлгулари беҳтиёр эътиборининг тортади. Ҳа, ҳозир бу сўлим боғнинг эгалари Фрунзе районидидаги зилзила оқибатида бошпанасиз қолган ондаларнинг ўғил ва қизчалари бўлиб қолди.

Истироҳат боғининг қўнжик дарахтлари тағдида қурилган палаткаларда ҳозир 90 дан ортиқ мактаб ўқувчилари дам олишяпти. Бу ерда дам олаётганлар учун яқинда ошхона қурилади, дўшхона, ҳар хил тўғараклар ишлаб турибди.

Янги ўқув йили бошлангунга қадар, дейди лагер бошлигининг ўринбосари ўртоқ Н. Якименко, — лагерда 500 дан ортиқ ўғил ва қизларнинг яхши ҳордиқ чиқаришди. Улар бу ерда ҳар кун турт маҳал бевул овқатланишди.

Ҳозир дам олувчилар учун аттракцион, дам олиш хоналари ва кутубхоналар хўзमत қилиб турибди. Бу ерда ўқувчилар билан ёзувчилар, ишлаб чиқариш илгорларининг ўрашувлари ўтказиб турилади. Шунингдек, дам олувчиларнинг шаҳарга яқин тоғли жойларга чиқишлари, маданият юришлари ташкил этилади. Лагерда фото тўғарак, танча, қўғирчоқ, шунингдек шахмат-шашка тўғараклари ҳам бўлади. Ана шундай лагерлар «1 Май», Собир Раҳимов номи маданият ва истироҳат боғларида ҳам ташкил этилди.

А. ПУЛАТОВ.

Фотомуҳаббат А. Абалин олган бу сўра-ларда сиз Тошкент шаҳридаги Киров номи маданият ва истироҳат боғига жўйлашган пионер лагерини кўриб турибсиз.



БИНОКОРЛАРНИНГ ЧОДИРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА ҚАРДОШЛАР КЎМАГИ

Украин бинокорларининг чодирлари иборат лагерларида харьковликлар, дуганскликлар, львовликлар, донецкликларнинг «маҳаллалари» ёнига яна икки маҳалла қўшилди. Унда киосклар билан диэспроетровиклар яшамади. Бу шаҳарларнинг қурувчи поездлари 20 майда Тошкентга етиб келди.

«Укрестрой» трестининг апарати асосан тузиб бўлиди. Трестда украинликлар қурадиган 48 квартиралари иккинчи ўйини хўжжатарли тахт қилиди. Бу ўйини Луганск бинокорларининг отряди халқлар дўстлиги проспектида қуради.

(ЎТАТ).

Ҳозир республиканинг ўш, Жаллобод ва Фрунзе шаҳарларидан қурилиш материаллари ортлган қўнжлар йўлга чиқмоқда. Тошкентнинг дўстларга уй-жой кўриб бериш иштинидида Фрунзе «Горстройтрест»нинг 116 юшилик бинокорлар бригадаси ҳам йўлга отланди.

Д. УРИБОСАРОВ.

ЧИН ҚАЛБДАН

«Тошкент фонди» кун сайин ошиб бораётди. Давлат банки Тошкент шаҳар бошқармасида Ўзбекистон Телераф Агентлигининг муҳбирига қўйилганларини маълум қилди: 20 майга тушган пул миқдори икки миллион 633 минг 300 сўмга етди.

Пул келатган манбадар ҳам келгайиб бормоқда. Қирғизистондаги ўш обаластининг меҳнатқашлари ўш ҳисасаларини қўшдилар. Қозғистондан, узоқ Камчаткадан «Тошкент фонди» сўлет рақамини хабар қилишни илтимос отган телеграммалар банкка келиб турибди. Банк уларга сўлет рақамни 170064 деб маълум қилмоқда.

ГОРЬКИЙЛИКЛАР ТУХФАСИ

ГОРЬКИЙ. (ТАСС муҳбири). Горький автомобил заводида Ўзбекистон пойтахтида «Тошкент» горькийликлар туҳфаси» деган сўзлар ёзилган юк машиналарининг катта колоннаси юборилди. Ўзбекистон пойтахтида қурилганда ишлатиш учун, ҳозирча 300 та юк автомобилли юборилди, неча юзлаб кўп ўришли қонирлар, турли-туман бинокорлик материаллари, станоклар, «Волга» енгил автомобиллари жўнатишмоқда.

(ЎТАТ).

ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ

Студентлар шаҳар қурилишга қатнашиш мақсадига эга каникулларини ҳам тартиб билан ўтказишга эришди. Улар ҳозир байрон бўлган бинолардан шаҳар юзидан тозалашга эришди. Яқинда Олтибўй районидида «Қишлоқ товуш» маҳалласида бўлиб ўтган йилги иш қатнашчилари шу қалб-олов студентларга ғамхўрлик масаласини муҳокама қилди.

Йилги ишда маҳаллада яшувчилардан Е. Расулов, Х. Қурбонов, А. Хуснуллин ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар ўз ётоқхоналарини бошпанасиз қолган ондала рўнун бўшатиб берган студентларни уларига тақлиф этдилар.

— Уйимиз тор бўлса ҳам, кунлигимиз кенг, — деди Х. Қурбонов. — Менинг уч ўғлим бор. Яна икки студентни ондамга аъзо қилиб оламиз.

Қурбоновнинг сўзини йилгиланларнинг барчаси қўллаб-қувватлади. Ҳозир Тошкент политехника институтининг юзга яқин студенти шу маҳаллага кўчиб келган. Улар маҳалла меҳнатқашлари хонадонига ўз уйларидак яшаб, шаҳарни тиклашда ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

Т. МАХМУДУХОНОВ.

ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Заводада тузилган тўртта комиссия доимо ҳаракатда. Комиссия аъзолари хонадонларда, пионер лагерлари ва жамоат биноларида бўлиб, иморатларнинг ҳолатини кўздан кечиришмоқдалар. Зилзиладан 400 ишчининг хонадони шикастланди. Уларни энди қанчага жойлаштириш керак! Дарҳол ошхона биноси бўшатиб берилди. Унал онда шу биного кўчиб ўтди. Завод кутубхонасининг мудири Е. Штерн

эса асбобозлик цехи технология Манатгоновни оиласи билан ўз уйига кўчириб олиб кетди. Завод насаба союз комитетининг раиси ўртоқ Саушин завод атрофидаги маҳаллаларга кириб ишчиларни эътибор қўйиштириш тадбирларини кўрди. Шундай қилиб, кўпгина хонадонлар вақтинча бошпанасиз қолган таъминланди. Айрим-айрим эса, ҳозирча завод территориясидан ўрнатиладиган палаткаларда истимомат қилмоқдалар.

Завод маъмурияти ишчилар фарзандларини ҳам эсдан чиқармади. 130 та бевул ва арзон нархдаги путевка болаларга тақсимлаб берилди. Иккинчи тоғлар ҳозир «Восток» пионер лагерига дам олмоқдалар.

Маълумки, шу кунларда кўпгина саноат корхоналари коллективлари Тошкентга ердан фондига маблағ тўлашни давом эттиришмоқдалар. Завод аҳли ҳам ташаббускор коллективлар изидан бориб, икки кунлик иш ҳақларини ердан фондига юборишга қарор қилди. 15 май дам олиш кўни корхонада иш кўни деб эълон қилинди. 600 ишчи одағидан дам олиш кўни ҳам агрегатларни жадал ҳаракатга келтириб юборди. Кун бўли 4000 сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Меҳнатки цехнинг Ғайрат Урозов бошлиқ участкаси аъзолари айниқса эриш қайрат билан меҳнат қилдилар. Соловьев, ремонтчи ва слесарлар шикомати ҳам чакни бўлмади. Фрезерчи Г. Мисковичнинг шу кунги СКО-1015 маркази деталдан 55 дан, пармаловчи З. Рафиров ЧМ-110 маркази деталдан 50 дан ишлаб чиқариб смена топиришнинг ортиги билан адо этишди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон трактор йиғув заводи коллективини шикастланган турар-жой биноларини ҳаётга ялпи билан ремонт қилиш ишларини бошлаб юборган. Махсус бригада аъзолари ишчиларнинг уйларида бирма-бир бўлиб, деворларни қайтадан сувондан чиқармоқда, синган дараза ва эшикларни алмаштирмоқда.

Н. РУЗИМУХАМедОВА.

БАҒРИ КЕНГ КИШИЛАР

Бугунги Тошкент катта қурилиш майдонидан иборат. Станциялар Иттифоқининг турли шаҳарларидан қурилиш материаллари ортиб келатган кўша-кўша вагонларни пешма-пеш қабул қилиб олаётди. Фақат бинокорлик материаллари эмас, малакали қурувчилар ҳам изма-из шаҳримизга етиб келмоқдалар. Украина, Минск, Москва, Вору, Фарғона бинокорлари тушган вагонлар аллақачон шаҳримизга етиб келган. Улар ҳозир уларига ажратиб берилган участкаларда қурилиш ишларини бошлаб беришган. Ҳа, демай шаҳримизда дўстларнинг кўли билан бўлиб ўтиладиган дастлабки бинолар бўйи қўзғиди. Уларга эзилган сабабли бошпанасиз қолган ондалар кўчиб киришди.

Зилзилаштириш ҳисобига қўллаб олаётган ҳозир турар-жой биноларига жойлаштирилди. Мингтаб ондалар эса, вақтинча истимомат қилиш учун палаткалар билан таъминланди. Юзлаб ондалар обаластимиз шаҳарларидан қад кўтарган биноларга кўчиб кетдилар.

Дўст—киши бошига бирор

ташвиш тушганда билинади, дейди халқимиз. Бу тағининг жонни бор экан. Тошкент бошига табиий офат тушарган кунининг эртасигаёқ қўллаб ҳамма шаҳарларимизнинг бошпанасиз қолганлиги маълум бўлди. Шу кундан бошлаб Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети адресига республика маъмуриятининг турли район ва шаҳарларидан телеграммалар ёғилиб келмоқдалар. Транспорти ҳаражатларини ҳам улар ўз бўйинларига олдилар. Бу биз учун гўяда катта ердан бўлди.

Обаластимиз шаҳарларига ҳам қўллаб кишилар кўчиб кетишди. Чирчиқ, Янгийул, Бек-обод каби шаҳарларга кўчиб кетган ондаларнинг сонин ҳозир 200 тага етиб қолди. Жойларга етиб борган кишиларнинг ҳаммаси хурсанд. Улардан бизга хатлар келиб турибди. Фарғонага кўчиб кетган В. Развалев

ва, ҳозир Самарқандда истиқомат қилаётган М. Михайлов, чирчиқлик бинокорлар қурган кўркам квартираларда яшаётган Қ. Қўноқов ва бошқа ўртоқлар катта ғамхўрлик учун партия ва ҳўкуматимизга ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳўзурида ташкил этилган аҳолини бошқа шаҳарларга кўчириш комиссияси ҳозир катта ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Комиссиянинг иш вақти ерталаб соат 8.30 мипуддан 19 гача белгиланган. Бизга бошқа шаҳарларга кўчиб кетиш истагини билдирган кишилар мурожаат қилишяпти.

Айрим кишилар турли шаҳарларга кўчиб кетиш йўли қандай деб сўраб қолдишди. Кўчиб кетувчи киши комиссия номига ариза ёзиб қайси шаҳарга бориш истагини билдирди. Ариза сўнг уй-жойни рост-

дан ҳам зилзиладан катта шикаст кўрганлиги ва яшаш учун бундан бўён яросиз эканлиги ҳақида район ижроия комитетлари томонидан тузилган акт талаб этилади. Комиссия шунга қараб кишиларнинг эҳтиёжини қондираётди.

Кенг келганда шунинг ҳам айтаётган керакики, район ижроия комитетлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини сўст олиб бормоқдалар. Кўнжлик бир умрга бошқа шаҳарларга кўчиб кетар эканлигида, деган нотўғри тушунишга оға бўлиб қолмоқда. Уларга бу вақтинча қўйишга тадбир эканлигини, кейинроқ истаган келди яна Тошкентга кўчиб келиш мумкинлигини пухтароқ тушунтириш лозим. Ҳозир кўнжликда қўллаб тақлифномалар бор. Қарши шаҳрида 32 квартиралар бино қўлдан бери тошкентликларни кўчиб турибди. Нукуслик бинокорлар ҳам бош-

А. БРАЙЛОВ. Тошкент обаласт касаба союзлари Советининг секретари, аҳолини бошқа шаҳарларга кўчириш комиссиясининг раиси.

СЕЙСМИК СТАНЦИЯ ХАВАРИ

Қарийб бир ойдан бўён давом этаётган Тошкент зилзиласи кеча яна ўз кўчини кўрсатди. Соат 13 дан 50 минут ўтганда шаҳарликлар кўчи ер силкинишининг гувоҳи бўлдилар. «Тошкент» сейсмик станцияси приборлари зилзилаининг кучи 7 баллга етганлигини қайд қилди. Бу силкинишдан сўнг яна бир неча марта ер тебраниди. Соат 13 у 55 минутда 2 балл, 14 у 09 минутда 2 балл, соат 14 дан 14 минут ўтганда эса 4—5 балл куч билан ер қимирлади.

Сейсмик станция приборлари 26 апрелдан 24 май соат 15 гача ернинг 413 марта силкинганини қайд қилди.

Тошкент овози ҳаммаша эфирда

«Тошкентдан гапирамиз» — бу сўзлар ҳар кунини муайян бир вақтда ўн бир тилда эфирда жарангайди.

26 апрелдаги зилзиладан кейин совет ва чет эл тингловчилари Ўзбекистон радиосининг дикторлари ўз эшиттиришларини кўйма сўзлардан олиб боради, деб уйламаган бўлсалар керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиосининг ва телевидение комитети раисининг ўринбосари Х. Р. Худойбердиев бундай хикоя қилади:

— Эски радио уйи авария ҳолати

да. Лекин Тошкент овози бир минут ҳам тўхтагани йўқ. Москвалик дўстларимиз бизга ердан беришди.

Табиий офатнинг иккинчи кўнжик СССР Министрлар Совети ҳўзуридаги радиосининг иш ва телевидение комитети ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Железова раҳбарлигида бир қанча мутахассислари Тошкентга юборди. Тез орада бир неча кўйма студиялар ҳам етиб келди.

Портатив установкалар ўрнатишга кўйма радиостудиялар 1 Май байрами тўғрисидаги традицион репор-

тажни Ленин майдонидан эфирга эшитириш учун ердан берди. Ҳозирги кунда ҳам автобуслардаги студиялардан эшитириш давом этишмоқда. Янги радио уйи қурилиш учун юк ортиб бораётган машиналарнинг сигналлари бевзан эфирда эшитилиб қолиши мумкин, чунки у яқин жойда жадал сўратлар билан қурилмоқда. Радио уйига керакли машина-ускуналарни москваликлар ва тошкентликлар кундузи ҳам, кечаси ҳам ўрнатишмоқдалар.

Аммо, ҳозирча «Брезит» билан қопланган радиомарказда ишлаб

